

ОЛТИН ҚУЛЛАР САҶСОВАТИ

ХУРМАТ
ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини
датидан илгари бажарган
эри учун қўйидаги район
«Хурмат тах-
та» эзилди:

район — район
«Хурмат тах-
та» эзилди:
район — район
«Хурмат тах-
та» эзилди:
район — район
«Хурмат тах-
та» эзилди:

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 271 (18.149)

24 ноябрь 1981 йил, сешанба

Баҳоси 2 тийин.

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ ГФРга жўнаб кетди

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ГФР Федерал канцлиери Г. Шмидтнинг таклифига биноан визит билан 22 ноябрь куни Москвадан Германия Федератив Республикасига жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар вазири А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга жўнаб кетдилар.

Совет Иттифоқи давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромидан ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзолари Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолари кандидатлар П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, КПСС Марказий Комитети бош секретари И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В.

Зимянин, К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети аъзолари К. М. Ботолюбов, Б. П. Бугаев, В. Ф. Мальцов, Г. С. Павлов, Н. М. Пегов, Г. К. Цинев, Г. Э. Цуканов, Н. А. Шелов, КПСС Марказий Комитети аъзолигида кандидатлар В. А. Голяков, М. Холлов, КПСС Марказий ревизи комиссиясининг аъзолари С. А. Лосев, В. М. Фалин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин кузатиб қўйдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёр-

дамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети бўлимининг муdiri Л. М. Замятин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев, КПСС Марказий Комитети ишлар муdiriнинг ўринбосари М. Е. Могилев, СССР ташқи ишлар министрининг бўлими муdiri А. П. Бондаренко ҳам ГФРга жўнаб кетдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ГФРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Х. Хубер, ГФР элчихонасининг дипломатия ходимлари бор эдилар. (ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ ГФРга келди

БОНН, 22 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ГФР Федерал канцлиери Г. Шмидтнинг таклифига биноан бугун визит билан Германия Федератив Республикасига келди.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар вазири А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов Л. И. Брежнев билан бирга кетдилар.

Келган Бонн аэропортда Леонид Ильич Брежневни самолёт зинаюлидан олди-

Г. Шмидт, ГФР вице-канцлиери ва ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер, СССРнинг ГФРдаги элчиси В. С. Семенов табриклар кутиб олдилар.

Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмонини ГФР ҳукумати мабуут ва ахборот маҳкамасининг раҳбари, статс-секретарь К. Беккер, ГФР ташқи ишлар министрининг статс-секретари Б. фон Штален ва Г.-В. Лаутеншлагер, ГФРнинг СССРдаги элчиси А. Майер-Ландрут ҳам кутиб олдилар.

СССР элчихонасининг, ГФРдаги бошқа совет муассасаларининг ходимлари

Л. И. Брежневни самимий табрикларидилар. Болалар Леонид Ильичга гуллар тақдим этишди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров ва А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети бўлимининг муdiri Л. М. Замятин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев, КПСС Марказий Комитети ишлар муdiriнинг ўринбосари М. Е. Могилев, СССР ташқи ишлар министрининг бўлими муdiri А. П. Бондаренко ҳам Л. И. Брежнев билан бирга ГФРга кетдилар.

Л. И. Брежнев ва Г. Шмидт, А. А. Громико ва Г.-Д. Геншер мотоциклчилар эскорти ҳамроҳлигидаги автомашиналарда Гимнни қасри томон йўл олдилар. Совет Иттифоқидан борган меҳмонлар ГФРда бўлган вақтларида ана шу қасрда турдилар.

Тартиб-қонда мувофиқ расмий учрашув тантанали маросими 23 ноябрь куни Боннда ўтказилди.

Гимнни қасрига келгандан кейин Л. И. Брежнев билан Г. Шмидт ўртасида дўстона вазиятда қисқа суҳбат бўлиб ўтди.

Л. И. БРЕЖНЕВни тантанали кутиб олиш маросими

БОНН, 23 ноябрь. (ТАСС). Германия Федератив Республикасига визит билан келган КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневни расмий кутиб олиш тантанали маросими бугун ўтказилди.

Расмий кутиб олиш маросимида КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар вазири А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров ва А. И. Блатов, КПСС Мар-

казий Комитетининг бўлими муdiri Л. М. Замятин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев, Л. И. Брежнев билан бирга келган бошқа совет расмий ишчилари, шуниқсен СССРнинг ГФРдаги элчиси В. С. Семенов ҳозир бўлдилар.

Федерал канцлер маҳкама бинаси олдига Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди, флагштокларга СССР ва ГФР давлат байроқлари кўтарилди.

Леонид Ильич Брежневни федерал канцлер Гельмут Шмидт самимий кутиб ол-

ди. Улар иккала томоннинг расмий ишчиларини бир-бирларига таништирдилар.

Фахрий қоровул бошлиғи Совет давлатининг бошлиғи рапорт берди. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федератив Республикасининг давлат гимнлари янгради.

Л. И. Брежневни кутиб олдида ГФР вице-канцлиери ва ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер, хўжалик министри О. Ламбдорф, федерал канцлер маҳкамасининг раҳбари, статс-секретарь М. Ланштейн, федерал канцлер маҳкамасидаги давлат министри Г. Хуонкер, сийёсий

партияларнинг таниқли арбоблари, ГФРнинг Германия жамоатчилигининг намойидалари, шуниқсен СССР ташқи ишлар министрилиги протокли бўлимининг муdiri Л. С. Инкифоров ва ГФР ташқи ишлар министрилиги протокли бўлимининг муdiri Г. В. фон Финкенштейн иштирок этдилар.

Л. И. Брежнев билан Г. Шмидт фахрий қоровул сафини айланиб чиқдилар. Тантанали расмий кутиб олиш маросими тугайди.

Маросим тугагач, ГФР федерал канцлиери маҳкамасида расмий Совет-ГФР Германия музокаралари бошланди.

Л. И. БРЕЖНЕВнинг Г. ШМИДТ билан музокаралари

23 ноябрь куни Боннда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг ГФР Федерал канцлиери Г. Шмидт билан музокаралари бошланди. Музокарада КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар вазири А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, ГФР вице-канцлиери ва ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер иштирок этдилар.

Канцлер Г. Шмидт Совет Иттифоқидан келган меҳмон-

ни табриклаб, бошланаётган музокараларнинг катта аҳамиятини ҳамда қарашлар ва манфаатлардаги мавжуд тафовутларга қарамай, СССР билан ГФР тинчликни сақлаб қолганидан ҳамкорликни ривожлантиришдан баъбаравар манфаатдор эканликларини таъкидлади.

Л. И. Брежнев ҳозирги учрашувдан мамнуният изҳор этди, СССР ва ГФР раҳбарларининг айланиб-айланиб дунё бошдан кечираётган мураккаб ва жуда таҳликали даврда бир-бирларига айтганда гаплари борлигини таъкидлади. Л. И. Брежнев Г. Шмидтнинг

СССР ва ГФР ўртасидаги муносабатлар характери ахши қўшничилик ва шериклик муносабатлари эканлигини таъкидлади. Шунингдек, Европада муносабат билан ҳол ҳам ошқоралиқни, ҳам томонлардан ҳар бирини ҳозир ташвишга солаётган нарсалар тўғрисида бемаълум, тўғридан-тўғри гапиришга тайёриликни, вужудга келган вазиятдан қутулиш иложиини виждондан ва ҳақолилик билан қидиришга тайёриликни таъкидлади.

Музокаралар давомида иккала томонни қизиқтирувчи халқаро проблемалар муҳокама қилинди. Л. И. Брежнев бугун диққат-этиборни асосий масалага: Американинг янги турдаги ракета қўшини жойлаштириш режалари муносабати билан Европа узра пайдо бўлган хавфни қандай қилиб даф этиш масаласига қаратишни таклиф қилди. Аввалгидек СССР таҳминий тенглик ва бараварлик маъжудлигини муҳофаза таъминлаш учун етарли деб ҳисоблаётганлиги ва 30 ноябрь куни Женевда АҚШ билан бошланган музокарада шу принципга асосланиб иш тутмоқчи эканлигини таъкидлаб ўтти.

Брежнев бугун диққат-этиборни асосий масалага: Американинг янги турдаги ракета қўшини жойлаштириш режалари муносабати билан Европа узра пайдо бўлган хавфни қандай қилиб даф этиш масаласига қаратишни таклиф қилди. Аввалгидек СССР таҳминий тенглик ва бараварлик маъжудлигини муҳофаза таъминлаш учун етарли деб ҳисоблаётганлиги ва 30 ноябрь куни Женевда АҚШ билан бошланган музокарада шу принципга асосланиб иш тутмоқчи эканлигини таъкидлаб ўтти.

(Давомин иккинчи бетда)



САМИЙ ҚУТЛОВЛАР

БАЙКАЛ-АМУР МАГИСТРАЛИ ЛЕНА-КУНЕРМА ТЕМИР ЙЎЛ ЛИНИЯСИ ҚУРИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА ФОНДАЛАНУВЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар! Байкал-Амур магистралининг бош участкаси — Лена-Кунерма темир йўл линияси муддатидан илгари қуриб битказилгани ва доимий фойдаланишга топширилганини таърихнинг катта ҳақиқати ҳисобланади. КПСС Марказий Комитетида зўр мамнуният билан қутиб олинди. Сизларни ана шу ажойиб меҳнат ғалабаси билан самимий табриклайман.

Сизларнинг коллективларингиз Сибирь тайтасининг қаттиқ шароитларида қабул қилинган оширилган социалистик мажбуриятлар бажарилишини муваффақиятли удаладингиз. Шуниси муҳимки, сизлар магистрал қуришга онд жуда катта ишлар ҳажминини бажариш билан бир вақтда темирйўлчилар учун социал ва маданий-маиший объектлар комплекси бўлган обод посёлкаларини ҳам барпо этдингиз.

Эришилган муваффақиятлар сизлар партия ва ҳукуматнинг ишончини шараф билан оқшайтганлигини, ўз фидокорона меҳнатини билан партия XXVI съездининг мамлакат шароити раёонлари иқтисодий потенциалини жалд қўлайтиришга доир қарорларини амалга оширишга конкрет ҳисса қўшаётганлигини кўрсатувчи яққол далиллар.

Транспорт қурувчилари ва темирйўлчилар куч-гайратлари билан ана шу узак магистрални вужудга келтиришга онд катта қилувчи иттифоқдош ва автоном республикаларнинг, ўлкалар ва областларнинг вакиллари бундан бун ҳам ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақанинг пешқадамлари бўлдингиз деб қатъий ишонаман.

Азиз ўртоқлар, сизларга сўхат-саломатлик, бахт-саодат, Ватанимиз фаровонлиги йўлида янгидан-янги меҳнат муваффақиятларига эришувингизни тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

ЖАҲОН ШАХМАТ ЧЕМПИОНИ А. Е. КАРПОВга

Азиз Анатолий Евгеньевич! Телеграмманинг учун Сизга миннатдорчилик билдираман. Бундан уч йил муқаддам бўлганда-ки Сизни яна ажойиб муваффақият — жаҳон шахмат чемпиони номига сазовор бўлганлигини билан қизғин ва сийдиқдан табриклаш менга зўр мамнуният бахш этди. Совет ишчилари Сизнинг ўйинингизни гоёт катта эътибор бериб қузапти бордилар ва ғалабанинг тўғрисидаги хабарни астойдил мамнуни бўлиб қабул қилдилар. Шунинг билан эътиш қувончлики, Сиз мураккаб ва масъулиятли курашда юксак иқдорли маҳорат, чинакам совет характери, вазминлик ва сабот-маънат намунасини кўрсатдингиз. Ватан шахмат мактабининг шонли аитаналарини яна ҳам юқори кўтардингиз.

Сизга сўхат-саломатлик, бахт-саодат ва социалистик Ватанимиз шон-шўхрати йўлида янги-янги ғалабалар тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Тўртинчи сессияга келадиган Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари 25 ноябрь соат 10 дан 19 гача, 26 ноябрь куни эса соат 10 дан 13 гача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми бинасида бўйхатта олинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ТўРТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ Тўғрисида

Учинчи қаҳиряқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессияси 26 ноябрь куни соат 15 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлисида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ИККИ МАРТА ЛЕНИН ОРДЕНЛИ СССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК БОЛЬШОЙ ТЕАТРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

Қўп миллатли совет хореография санъатини пропаганда қилиш ва ўзаро бойитишда муҳим роль ўйнаган, СССР халқлари қардошларча дўстлигини янада мустаҳкамлаш ва республика меҳнаткашларини бадий эстетик тарбиялашга актив ёрдам берган гастролларнинг муваффақиятли ўтказилганлиги учун икки марта Ленин ордени СССР Давлат академик Большой театри Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ерлиги билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУҲАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ХАЙДАРОВА.

1981 йил 22 ноябрь. Тошкент шаҳри.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЗАРЕДОР ҚУРИЛИШЛАР ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ



МОНТАЖЧИЛАР ШИЖОАТИ

«Қарақалпақирсовхозстрой» трестининг 24-механизациялашган кўча колоннасининг қурувчи ва монтажчилари Буртинтфок социалистик мусобақасига қўшилиб, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили топшириқларини муваффақият билан адо этмоқдалар. Бошқарманинг Тиллапаса Абдиқаниев бошчилигида қилбеган монтажчилар бригадасининг аъзолари Қарақалпақистоннинг қўриқ Қораўзақ районидан ғишт заводи қурилишини барпо этишда шу кўнардага қайрат ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Бригада аъзолари йиллик топшириқни октябрь ойидаёқ ошириб бажариб, бошқармада рекорд қўйган. Эдилар. Шу кўнарда монтажчилар КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларидан ҳамда ўчинчи қаҳиряқ СССР Олий Советининг олтинчи сессияси ш. йиллардан руҳланиб, смена ва ойлик топшириқларини тўла ва ошириб бажаришга қарор қилдилар. Колонна коллективи йил охиригача 300 минг сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишларини бажаришга қарор қилган. Коллектив бунёд этган қорона шига туширилган, у ҳар йили 25 миллион дона ғишт тайёрлаб бериш қувватига эга бўлади. Қорона маҳсулотини қўриқ районидан кўлаб болалар болалари, мактаблар, ўй-кой бинолари ҳамда саноат объектларини тейорқ барпо этишда ишлатилади. Суратда: Бригада бошқари Тиллапаса Абдиқаниев монтажчи Мақсад Даулетов.

Г. Екубов фс

ҲАЙРАТ ВА ТАШАККУР

Яқинда жонажон пойтахтимиз Москвада КИСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми бўлиб ўтди. Мен унда даянашдим. КИСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёрқин, яхшомбахш муносиб тиллаш шарафига муассар бўлдим. Қадрдонимиз Леонид Ильич ўзининг беш йиллик тўнғич йилдаги қаҳрамонона меҳнатига юксак баҳо берар экан: «Ҳамини бўлганидек Ўзбекистон пахтакорлари... яхши ишладилар», — деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Ҳа, марду майдон Ўзбекистонлик пахтакорлар бу сафар ҳам, табиат инқилиқлари авжига чиққан йилда ҳам жасорат намунасини кўрсатдилар. Барча қийинчиликларни мардонавор енгиб, улкан-марени оғалладилар — олти миллион тоннадан анёд нагта хирмон виқор билан қад ростлаб турибди.

Биз, ивановлик тукувчилари Ўзбекистонлик пахтакорлар билан анъанавий «Минглар шартномаси» дўстлик ришталари ила боғлаб турибди. «Таштекстильмаш» заводига ишлаб чиқариладиган серунум дастхоналар корхоналаримиз култивация-кувват бағишляпти. Ўзбек пахтакорларининг пешона тери билан етиштирилган «оқ олтин»дан севишли халқимиз дидига мос турли-туман, кўлаб ағло сифатли тағамлар, туқиб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбек пахтакорларининг ташвишлари ўз ташвишларимиз деб билмиш, ютуқларидан бошимиз кўкка етиб, чексиз нурунамиз. Биз шу шодона айёмларда кўлимизни кўсимизга қўйиб, Ўзбек халқини улкан зафар билан қутлаймиз.

Ивановлик тукувчиларнинг қалб саломини, табрик ва қутловини қабул этгин, мард пахтакорлар!

В. ГОЛУБЕВА,

Иванов Камволь комбинати тукувчиси, КПСС XXVI съезди делегати.

Б у тоғ ҳам буюк раҳбаримиз Леонид Ильич Брежневнинг «Қўриқ» китоби н қўлига олдим.

«Талланг бўлса, — деб баади азиз ва қадрдонимиз Леонид Ильич Брежнев ўзининг бу асариди, — қўшиқ ҳам тилингдан тушмайди». Бу сўзлар заминда бир олам маъно бор. Бунда инсоннинг меҳнатга муносабати, меҳнат туйғайи фаровонликка эришиши, у ҳаётининг маъно ва мазмунини ташкил этиши, чинакамгина бахт ва фарогатга етказиши, барча бойлигинининг манбаи эканлиги жамулжамдир, десак адашмаймиз.

Бизнинг тарихимиз — меҳнатимиз тарихидир. Қачон ва қайси пайтда нимага эришган бўлсак меҳнатимиз туйғайи эришганимиз. Иктомий, маданий тараққиёту маъмуриликдаги ҳозирги даражамиз ҳам, юртимиз жамулия, пахтачилигимиз камолоти ҳам меҳнатимиз туйғайидир. Ҳозирги кунларда тилларда дoston бўлган олти миллионлик оқ туққини ҳам меҳнатимиз — қаҳрамонона ва шонли меҳнатимиз бунёд этди. Бунга биз осмонлик эришдик: қонлар туқдик, қурбонлар бердик. Бунга бизнинг республикамиз тарихи, пахтачилигимиз тарихи тўғр.

Мен кўп воқеаларнинг тўғримиш. Янги ҳаёт дўшмаллари Октябрь талабаларини таъминлашимизга қанчалар қаршилиқ кўрсатсалар пахтачиллик ривожига ҳам шунчалар сабр-тоқатлари йўқ эди. Республикамизга эса ўзини ўнглаб олиши учун кўп пахта керак эди. Пахта мустақиллигига эришмасак бўлмасди. Бу эса янги ҳаёт дўшмаларига қарши аёвсиз кураш олиб боришимизни таъозо қиларди.

Андижонликлар ҳам революциядан кейинги йилларда бойлар ва қулоқлардан тортиб олган ерларда пахтачилликни ривожлантиришга астойдил бел боғладилар. Коммунистлар ва комсомоллар бу курашнинг олдинги сафлариди бўлидилар. Комсомоллар етакчилиси, ақойиб дўстимиз Убайдулла Азизий ҳам улар қаторида эди. Бирок, янги ҳаёт дўшмалари уни ҳалок этидилар. Ўшанда комсомол дўстимизнинг дафн маросимига бутун Андижон қатнашди хисоби. Биз марсия ёздик, бўлғуси бастақор Тўхтасин Жалилов уни кўлга солиди. Бу қўшиқ тиллардан дилларга ўтди, барчани курашга чорлади, тайратта солиди, дўшмаларни зир-зир титратди... Дафн маросимидан одамлар тўғри даладаги йўл олдилар.

Бойлар, мушуклар ҳам қанча қаршилиқлар кўрсатмасинлар, ҳақ бўрғун уларни хору ҳасад тўғриси ташлади. Бу хилдаги курашларимиз бехула кетмади, пахтачилиқда курашчилликни кўлга киритдик.

Мана шундан бери ярим асрлик муддат ўтди. Ярим аср тарих учун бир нафасда гап. Аммо, ана шу «бир нафасда бошқа соҳаларни кўп туриб пахтачилиқда эришган ютуқларимизни сарҳисоб қилганидан бўлсак, электрон ҳисоб машиналари ҳам довдирлаб қолгани турган гап. Чунки ўтган тарихан кўп ми муддатда республикамизнинг олти миллион тоналлик маррага етиши раҳибларимизнинг ҳам етти ухлаб тушларига кирмаган эди. Биз эса озуларимизни рўбга чиқардик, деҳқончасига айтганда, меҳнат қилдик, ҳоло.

Жуда кўп курашларимиз гувоҳи бўлган Андижон ҳозирда ҳосилдорликда пешаданлар қаторида туради. Йилга олти юз минг тонна пахта топиради. У Тошкент, Бухоро сингари илгор областларимиз билан ҳар йили беллашиб келади. Рост, бу йил андижонликлар рўйхатининг остига тушиб қолдилар. Бирок бу ҳисоб йўқ дегани эмас. Бунинг сабаби — баҳору ёздаги табиат ташвишлари. Область пахтакорлари бундан руҳан тушқунлик.

на тушаётганлари йўқ, аксинча, тайрат камарини маҳкамрон боғлашди.

Ҳали «қолоқ» областдан бошлаганининг сабаби бор. Мен бу билан ёзда қолоқлар йўқ, деҳқончасаман. Бизда нима кўп ялғор кўп. Уларни эса эл-юрт билди, танийди. Андижонлик танийди пахтакор, моҳир раис Абдусамат ака Тилабоев, фарғоналик уета ташкилотчи Мирзаахмад Деҳқонов, сурхондарёлик илгорлар сардори Бобомурод Омонов, қашқадарёлик Адолат Носирова... Булар ҳақида ҳар қанча тўхташ арзийди. Ҳар биттаси бир олам, бир дунё.

Бошқалар мени кечирсинлар, бу ерда жаҳонга машҳур пахтакоримиз Турсуно Охунова изидан бораётган Адолатхон Носирова ҳақида икки оғиз тўхтаиб ўтмасам бўлмайди. Адолатхон ҳозирда барчага таниш бўлган сиймо. Толлимаржон райониди «Коммунизм» колхозига меҳнат қилди. Қўлқувар. Пахтачиллик бригадасининг раҳбари. Ҳаммаси билан нигичка толали пахта етиштиради.

ЁЗУВЧИЛАР—ПАХТАКОРЛАРГА

МЕНИНГ ҚЎШИҒИМ

Адолатхон бошқик бригада аъзолари ўтган йилда ҳам, бу йил ҳам ишчи қўли қилиди. Областа биринчилардан бўлиб зафар маррасига етишди, ҳар гектардан 37 центнердан ҳосил йиғиб-териб олишди.

Бригада аъзолари шу билан қаноатланиб қолшмиди? Албатта, йўқ! Терим суръати кучайса қулайди, асло сусаймади. Чунки далада ҳосилнинг чўғи яхши, ёз бўйи қилинган астойдил меҳнат ўзининг самарасини кўрсатиб туради. Бригада аъзолари даладаги ҳосилнинг бир миқсқолини ҳам нест-нобуд қилмай йиғиб олишга қарор қилишди. Улар мавсумда эллик беш центнерлик маррани кўзлашди. Қишлоқ пахта топириш қамиди беш процентга тўғри келди. Уларнинг бу маррани ҳам ағаллағанларига яқин бир ҳафта бўлди. Ҳозирда улар келуси йилдаги ҳосилга муносиб замин яратяптилар.

Мен дондир пахтакор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Жиззахда Совет ҳокимиятини тузиш ва мустақамлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган Ҳамроқул ота Носировни жуда яхши билар эдим. У умрининг охиригача Жиззахдаги «Москва» колхозига бошчилиқ қилди. Колхозда бу моҳир ташкилотчи бошчилиқда амалга оширилган ишларни санаган билан тугамайди. У яхши ном, дуруст хотира, бир-бирдан ақойиб фарзандлар қолдириди. Отанинг ақойиб ишларини бугунги кунда унинг фарзандларини, шогирдларини давом эттирмоқдалар.

Республикамизда ҳар йили терим мавсумида асосий иш «зангори кема» капитанларининг зиммасига тушади. Бу табиий ҳол. Чунки биз ишларни асосан механизмларга юкланганимиз. Чигит экишдан бошлаб, шугдорлашгача бўлган ишларнинг бари механизм-

ларимиз буйида. Биз уларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Улар ҳар йил киши бошига икки юздан олти юз тоннага етказиб пахта териб беришади. Бунга бир таъаввур қилиб қўйинг-а!

Кейинги йилларда механизаторларимиз сафига «оилалар» экипажлар деб аталиши янги кучлар келиб қўшили бошлади. Бу жуда яхши анъанага айланиб бораётган нарсасидир. Мавсумда ана-укалар ёки ола-сингиллар оилавий экипаж ташкил қилиб, теримда актив иштирок этадилар, механизациялаштирилган эвено ёки бригадга уюшадилар. Бу эса ақойиб натижалар беришти.

Мен юқорида ҳурмат билан тилга олган Ҳамроқул отанинг беш фарзанди ҳам «оилалар» ташкил қилишган. Турлича насбларда ишлаётган беш ана-ука бу йил терим бошлангани билан, йиллик меҳнат олмасини пахтазорда ўтказиб, Ватан хирмонига ўз ҳиссаларини қўшишга жазм этишди. Олимжон, Пардабой, Фурқат, Бобир ва Ғайрат Носировлар.

лилар замонамиз қаҳрамонлари билан ҳам қадим бўлишини деб кўндал айтиб келамиз. Айтганимиз бўлган, бирок кўпчи пахтакор дўстимиздан ҳижолат бўлиб қолганмиз. Улар кутган муносиб асарларни беришда оқсаямиз.

Эгудининг кечи йўқ, дейдилар. Мен иккундиз ишларимизни енг ишмариб, пахтазор мардларидек астойдил ва ҳалол тер туқинга қақираман. Асарларимиз уларнинг дилига чўғ солсин, ўйлатсин, меҳнатга руҳлантирсин, янги зафарларга чорласин! Ушандагина, улар бизга раҳмат айтадилар. Раҳмат олиш эса осон эмас. Бунинг учун замондош дўстларимизнинг ҳаёт ва ишлари билан яқиндан танишишимиз, юракдан дардлари, армонлари, ўйлари, тиллари учид турган гапларини биллиб айтишимиз лозим. Ҳар бир иккундор ўзининг бетакор асарини яратиши, ўзига хос бўлган овозда қўшигини қўйлаши ва бу билан бошқалардан ажралиб туриши лозим.

Ҳа, ҳар кимнинг ўз қўшигини бўлисин. У гўзал замонамизга, азамат кишиларимизга, уларнинг шонли меҳнатига, жасоратига тасаввурлар ўқинсин!

Томчида қўёш ақс этганидай азамат пахтакорларимиз қаҳрамонликлари мисолида ҳам улкан ватанпарварлик намуналари мўжассамдир. Улар ота-боболари бошлаган улғур ишлар ишончли қўлларда эканлигини намоён этишганлар, ақойиб анъаналаримизни, ривожлантиришлар, пахтачилигимиз янги-янги марраларни эгаллашда муҳим роль ўйнамоқдалар.

Пахта ҳам она халқимизнинг меҳру муҳаббатини билан йўғрилган ардоқли қўшиғидир. Халқимиз азалдан бу қўшиқни дил-дилидан қўлаб келди. Уларнинг, қайғусини, аламнинг орзу-армонларини ана шу қўшиқни орқали ифода этган. Севишганлар бир-бирларига дил ихори ўрнида қўшқанон тақдим қилганлар. Кенсалар ёшларни улкан ҳаётга йўллаётганларда, эл-юрт олдида юзган пахтадай оппоқ бўлисин, деб ўғит берганлар. Пахта образи халқимизнинг оғир кўнида ҳам, яхши кўнида ҳам мадада келган. Шунинг учун ҳам доимо халқимизнинг қалб тўрида, серқувш республикамнинг гербида, қардош халқларга ёзган нозу неъматлардан иборат дастурхоннинг кўзга қўйилган жойида. Ана шу дастурхондаги олти миллиондан иборат ақойиб неъмат ҳозирда Ер курабига оппоқ бир шўъла таратмоқдаки бунга ҳозирда ҳавас қилмаётган бирорта кимса йўқ. Халқимизнинг бу севишли қўшиғи жаҳон узра баралла илгиряпти, у дўстларнинг дилига севиш бағишляпти, ғанимларни гулуд ва талласга солипти.

Республикамизнинг бугунги камолига кўп меҳнати синган чин меҳнаткан ишон, оддий халқ орасидан чиққан, ҳақиқий давлат арбоби Ибдуло ота Охунбобоевнинг тез-тез эслаб тураман. Унинг «Соғ одам қўшиқни севади» деган сўзи халқ мақолига айланиб кетган. Ота чиндан ҳам топиб гапшар эди. Биз чиндан ҳам қўшиқни севамиз чунки қўшиқ деҳқонда меҳнатни, пахтага тушувчан, Биз чинраси етиштириётган пахтадайдик оқ, ҳар жиҳатдан поэтика, маънавий соғлом кишиларимиз. Шунинг учун ҳам тилимиздан қўшиқимиз тушмайди.

Бугунги кунда мен ҳам иккундор дўстларим қаторида севишли қўшиқимизга қўйилган. Унинг авжи шонли биродарларини, қардошларини, у дўстлик ва биродарликни, қардошлик ва ҳаминҳақликни маҳд этди. Шу ваздан бугун соғиним бир олам, қалбим тўқиларини босишга оқизлик қилаётганга ўхшайман.

КУМУШ ТОҒЛАР ЧЎҚҚИСИДА

Бутун элларда, дилларда қувонч! Ўзбек пахтакори қалбини галаба гурури тўқинлантиряпти! «Оқ олтин» хирмонимиз ҳеч қачон бу йилгидек қийинчилик билан қад ростламаган, салмонли бўлмаган эди. Саховатли, олтин қўли заршунослар жонажон партиянинг XXVI съезди қарорларини шараф билан бажара бориб, табиат қийинчиликларини зўр машаққатлар билан мардонавор енгиб ўтидилар. Шунинг учун ҳам бугунги шодона, бугунги таънада янада наштали, янада суррули. Биз олти миллион тоналдан зиёд кумуш тоғлар чўққисига мағрур назаар ташлар эканмиз, уни яратилша пахта тозаловчиларининг ҳам ўзига яраша ҳиссаси борлигидан гонгта фахрланмоқдамиз.

Ҳа, заводимиз қўриқ Қашқадарё областидида бошқа турдош корхоналардан бироз фарқ қилди. Чунончи, корхонамиз ишгичка толали пахтани қайта ишлашга ихтисослаштирилмоқда. Аини пайтда қўриқ Ишон ва Толлимаржон районларидида хўжаликларда етиштирилган ўрта ва ишгичка толали пахтадан туқимачилик саноати учун қўммулати хом ашё тайёрламоқда.

Толачиларимиз бепоси даладарда жасорат намунасини кўрсатган пахтакорлар билан елкама-елка, ёнма-ён туриб ишляптилар. Бу йил 34 минг тонна «оқ олтин» ҳосилини қайта ишлаш мажбуриятини олганмиз. Шу ҳисобдан 10 минг тонна сифатли тола тайёрланади.

Жўмладан, янги пахта ҳосилдан 4,5 минг тонна тола ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Корхонамида деҳқонларнинг пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг ҳар бир толаси эъозланиб, но-буд қилинмасдан қайта ишланаётган. Бу юмуш билан икки юз нафарга яқин ишчи ва инженер-техник ҳодим шугулланипти. Аиниқса, социалистик мусобақага қўшилган, олий топириларнинг 150-200 процент адо этган Барак Холиқова, Раҳмат Хужумов, Шариф Суеновлар бошқик бригадалар толачиларининг тайрат ва пинжоти таҳсинга лойиқ. Уларнинг фидокорона меҳнати туйғайи коллективимиз ўтган ўн ойлик тола ишлаб чиқариш топиригани 101 процент бажаришга эришди.

Мана, икки ярим ойдан ошдини, заводимизда янги пахта ҳосили қайта ишланмоқда. Қўриқ хўжаликларида съездлар йилида етиштирилган ҳосилнинг бир қисми ишланиб, туқимачиларга юнатилади. Масалан, яқинда қардош Болгарияга 200 тонна, Ивановога 150 тонна, Фарғона туқимачиларига 200 тонна ГОСТ талабларига мос келувчи юқори сифатли тола тайёрлаб юборилди.

Шуниш қувончлики, толачиларнинг сифати ҳақида тукувчилардан фақат янги надорчилик сўзларини эшитмоқдамиз. Албатта, қайта ишлангандан сўнг олпандан толалининг сифати асосан пахта хўжаликлардан қай

ҳолатда қабул қилинишига, тайёрлов пунктларидаги тарамларнинг белгиланган ҳароратда ва ҳаросининг вақти-вақти билан алмаштирилиб сақланишига боғлиқ. Бунга яхши тушулган корхонамиз меҳнат аҳли барча қонун-қоидаларга амал қилди.

Заводнинг тайёрлов пунктларига 50 минг тоннадан кўпроқ съездлар йили дурдонас келиб тушди. Лаборатория ҳодимлари пахтанинг намлик даражаси ҳамда тозаланиши сингиллаб талабчиллик билан текширмоқдалар. Хўл пахта учун тайёрлов пунктларида қуриш майдончалари, заводда эса қуриш-тозалаш цехи ишлаб турибди. Лекин шун ҳам айтиш керакки, кўлаб хўжаликлар намгарчилик бўлишига қарамай юқори сифатли пахта топиридилар. Аиниқса, Ишон районидида «Пахтаободо», Усмон Юсупов номли, Карл Маркс номли совхозлар, Толлимаржон районидида «Самарқанд» ва «Навбахор» совхозларидан келтирилган ўрта ҳамда ишгичка толали пахта қуруқлиги ва тозаллиги билан толачиларни хурсанд қилмоқда.

Заводимиз ва унинг тўғрота тайёрлов пунктда иш республика партия ва ҳукуматининг Мувожаати асосида уюштирилган. Пахта тозаловчилар ҳосилнинг ҳар миқсқолини олтинга тенг билиб, об-ҳаво ноқулай келган шароитларда ҳам нест-нобуд қилмай қайта ишлаш мақсадида барақали меҳнат қилмоқдалар. Сўамнинг охирида корхонамиз ишчилари номидан азамат, фидокор пахтакорларни улкан-меҳнат галабаси билан янча бир қарра табрикланмоқчима.

Хорманг энди, азизлар!

П. ХУДОБЕРДИЕВ,
Ишон пахта тозалаш заводи директори.



СИРДАБ ОБЛАСТИ. Оқлоти районидаги «Фарғона» совхози механизаторлари республикамизнинг улкан хирмонига 20 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» туқадилар. Шуниси қувончлики, янги ҳосилнинг 98

проценти агрегатлар ёрдамида териб олинди. Катта хирмонини бунёд этишда юқори ҳосилли бригада бошқикларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Суратларда: 1. Совхознинг илгор бригадаси бошлиғи Мансур

сир Исқовлов. Бригада аъзолари 70 гектар пахта майдонини 50 центнердан ошириб «оқ олтин» олдилар. 2. План бажаришган кундаги шодона. Б. Юсупов фотолари (УзТА).

ХИССАМИЗ

Хўжалигимизда меҳнат қилаётган депутатлар КИСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорлари асосида 1981 йил пахта йили-терим мавсумини ушшоқчилик билан ўтказиш учун аниқ тадбирлар белгиллаб, ана шу иш асосида иш юритишди. Шу сабабдан ҳам депутатлар боз бўлган бригада ва аэнодарда пахта терими намунали ўтказилди.

Район Совети депутати Дилбар Қаримова бошқик бригада 90 гектар ерда лехқончилик қилди. Коллектив

ҳосилдорлигини гектар ҳисобига 40 центнерга етказди. Бригада айрим қушлари йиллик планининг 6 проценти миқдориди пахта тайёрлашга эришди. Наманган области Советининг депутати Камолдин Разақов статистик қилаётган аэно заршунослари эса районда биринчи-лаў қаторида зафар маррасига етиб келдилар. Коллектив гектардан 40 центнердан пахта етиштирди. Ҳосилнинг асосий қисминини

эвено бошлиғининг ўзи «зангори кема» бунеридан туқди. Депутат район механизаторлари ўртасидида мусобақада бир неча марта ғолиб чиқди.

«Ғайрат» қишлоқ Советининг депутати Ё. Норбоев бошқик бригада эса ўз биринчи беш йиллигининг дастлабки йилда ҳосилдорлигини 45 центнерга етказиб мақсадида тер туқмоқда. Кунга кеча бригада оширилган юксак социалистик мажбурия-

тини адо этгани ҳақида рапорт берди. Пахтачинг асосий қисми фақат юқори сортларга топирилади.

Мен азаллари колхозда механизатор бўлиб ишлардим. Яқиндан бошлаб бригадаларга раҳбарлик қилмаман. Бу йил ҳосилдорлигини 50 центнердан етказамиз, деб ваъда берган эдим. Бу катта маррага етиш биз учун жуда қийин бўлди. Об-ҳаво янча янжиқ келди. Июнь

ойида бригада барча экин майдонларининг деярлик ярмини сел ювиб кетди. Аммо биз тушқунликка тушмай, табиий оғат сибобларини мардона туриб енгдик. Ҳар гектар майдондан 45 центнердан пахта териб олдик. Ҳозирги кунларда даладарда қолган экинларини ҳам охиригача йиғиштириб олиб, эллик центнерлик мажбуриятни бажариш учун барча имкониятларини ишта солишимиз.

Ҳалима АБДУЛЛАЕВА,
Узлия районидаги «Комсомол» колхозининг бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

ХУРМАТ ВА ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлар учун қўйидаги район раеспублика «Хурмат тахтасига» ёзиладилар:

Кегайил райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Қўйилбоев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Юсупов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ойназаров, район селхотехника бошқарувчиси ўртоқ Мамбетазаров, район сугориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Капиров, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Аметов, район қишлоқ хўжалик ҳодимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Отажонов;

Фрунзе райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳамралиев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Хўжаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳимов, район селхотехника бошқарувчиси ўртоқ Аъзамов, район сугориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Рўлдошев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Раҳмонов, район қишлоқ хўжалик ҳодимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Очилдиев;

Ульянов райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Умиров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Бахронов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Усмонов, район селхотехника бошқарувчиси ўртоқ Ғажиев, район сугориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Бердиев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Турсунов, район қишлоқ хўжалик ҳодимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Ғозиев;

БИЗНИНГ СҲУБАТ КАМАРБАСТАМИЗ

Махмуд САЛОҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг В. И. Романовский номли Математика институтини директори, республика Фанлар академиясининг академиги;

— Биологлар ер юзиде ўсимликларнинг ярим миллион турин бироқ дейишади. Шундан еттиг олти минг маданийлаштирилган экан. Улардан республикамизда кенг тарқалган — халқимиз бойлиги, эл-юрт орқали бўлиб қолган пахтадир!

Кўндал пахтани қўёш фарзанди деб эъозланиш. Қўёш фарзанди қўёш ўлкаси — Ўзбекистонда ярашади, бу ерда у ҳамиша таниски.

Йилдан-йилга ўнлаётган осмонлар хирмонлар еслар оша бойиб келган пахтачиллик тажрибаси, техника қудрати, инсон иродаси, замонавий деҳқончилик илми туйғайи янада юкселаяпти кишини чексиз қувонтиради. Олти

миллион тоналлик улкан ҳазинанинг бунёд бўлишида академиклар олимлари, республика олий ўқув юртларида ишловчи олимларнинг, жумладан математикларнинг амал-иқдорлари катта аҳамият касб этади. Шуниси қувончлики, бу тадқиқотлар натижаларининг ақсарияти халқ хўжалигимизга кенг татбиқ этиляпти.

Миришкор ва меҳнатқаш, ардоқли ва эъозли пахтакорларимизнинг ҳалол меҳнатлари эвазига етиштирилган «оқ олтин»ни кўкка янада буй чўзётганидан биз, илм аҳли беҳад шодимиз.

Улкан зафарингиза кутлуғ бўлсин, азаматлар!

ОСМОН ШАЪНИГА

Мен осмон шаънига айтман қўшиқ. Осмоннинг қарқлаб турганини айтиб. Шу аниқ дунёга ошқанга ошқик. Пахтазор қирларда кенг бағрим очиб!

Кўз келиб, ҳаётга тўймаган кўзим. Тонг етди дегучи бўлди фалакда. Эшитсам дикторнинг нозушроқ сўзини Ғам-ташвиш ўрмалаб кирди юракка!

Булут-ку осмонга чиқса мободе, Ичмага муз ёғди, хира бўлди таъб. Оқ қани, турсангич, дедим шаббода. Поддам сингари кетсангич ҳайдаб!

Ғар осмон ёриша, кўнглим ҳам ёрув. Кетма-кет олтинга тўлди қўнғим. Ҳа очик осмоннинг ҳикмати улғур. Узнга чорлайди хирмонлар тоғин!

Оқ очик осмонлар, оқ қулган офтоб. Оқ кўзининг сермазун танги қушлари. Сиз яшаб турдингиз, иш борди шитоб. Нақадер ақилорни куз ақиллари.

Ўзларда табассум, дилларда қувонч. Қўзларда ёнади энди қўнғир. Эй, осмон, армонинг бўлса энди соч. Қалбларда на ўқини, на бир ҳасрат бор.

Муродга етдилар, орзу ушладил. Музаффар қўнғида турибди мағрур. Галаба нурлари йўлга тўшладил. Эй марди-майдонлар, минг бор ташаккур.

Ташаккур айтман, сенаг ҳам осмон. Ингитдек тантилик қилдинг кўз бўйи. Сенинг ҳам ҳиссавлар уйлган хирмон. Хирмоник, юртининг шодлиғи, ўйна!

Кел, осмон, сен ҳам ўт мардлар сафига. Кийдирар сениг ҳам заррин ёнча сўни! Мадждор бўлиб қол элми қалбига. Голмелар бошига жонга бўлиб кўни!

Эй азиз пахтакор, осмоннинг кўрнам. Осмонга муносиб хирмонинг юксак. Шу юксак хирмондан кўринган одам, Арзидан фидолик тисмоли десак.

Шу зафар тоғида сени олқишлаб, Шаънингга туқидим қўшиқ, эй осмон!

ат — 33-72-83,
2-54-29; халқаро
20-36, 32-54-35,
2-54-27; катлар
54-16; аълошлар
1-24; Бухоро —
станциясининг